

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 1 май, чоршанба

№34 (11.422)

Эркин нарҳда сотилади

Вилоят фаоллари йиғилиши

ТАҲЛИЛ ВА ВАЗИФА

Шу йилнинг 30 апрель кuni бўлиб ўтган Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида айнан шундай йил тутилди. 2002 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва ислохотларнинг бориши, эришилган натижалар қуқур таҳлил этилиб, йил қўйилган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш билан бирга галдаги вазифалар аниқ ва лўнда белгилаб олинди.

Шунинг учун ҳам йиғилишга ана шу режа ва топшириқларни амалга оширишга масъул бўлган вилоят ҳокимлигининг гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг умумийликда ва қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари, банк, солиқ тизими, қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари тақлиф этилдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февралда ўтказилган мажлисидаги маърузасида Республика Президентини 2002 йилнинг устувор вазифаларини таъкидлаб, уларни бажариш ва амалга ошириш юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини баён этган эди.

Вилоятда йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ана шу масалаларга асосий эътибор қаратилди. Айни кундаги қўйилган ишлар, ҳаракатлар ўзининг натижаларини бера бошди.

Вилоятда ҳисобот даврида ялти ички маҳсулот 104,7 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 114,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 102,8 фоизга, чакана товар айланмаси 117,3 фоизга, кўрсатилган пуллик хизматлари ҳажми 122,5 фоизга ўсди. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони кўпайди. Уларнинг ялти ички маҳсулотга қўшулиши 21,7 фоизга етди.

Ислохотларнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган сармоя сарфлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кредит қўйилmalarини жалб этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинганлигини айтиб ўтиш керак. Ўтган уч ой мобайнида 32 миллиард сўм маблағ ана шунга жалб этилди. Ўрта ва узоқ муддатли кредитлар салмоғи ҳам сезиларли кўпайди.

Вилоятда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам эришилган бундай ижобий натижаларимиз бор. — деди йиғилишни бошқарган вилоят ҳокими У. Мирзақулов. — Лекин биз бугун асосий эътиборни бой берилмаётган имкониятларга, айниқса, қўйиладиган йўналишлардаги ишларимизни ривожлантиришга қаратмоғимиз керак.

Бундан ташқари, вилоятнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қўшма корхоналар фаолиятини жонлантириш, чет эл инвестициясини шаҳар ва туманларга кенг қамраб олиш, табиий ресурслар — ер, сув, газ, электр энергияси ва бошқа турдаги ресурслардан тежамли, оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишларни яхшилаш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажариш масалалари.

Йиғилишда сўзга чиқувчилардан ҳам кун тартибидagi масалалар юзасидан аниқ ва лўнда таҳлил, йил қўйиладиган камчиликлар учун изох ва уларни тузатиш юзасидан тақлифлар талаб қилинди.

Бу бежиз эмас. Йилнинг ўтган чорагида Ангрэн, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлик, Тошкент, Оққўрғон, Бўка, Ўртачирчиқ, Қўйчи-

чик, Бекобод туманларида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича дастур топшириқлари бажарилмади.

Бундан ташқари, вилоятдаги мавжуд 194та қўшма корхоналарнинг 45таси, фаолият кўрсатмаётганлиги ҳам қоникарли эмас деб топилди. Шаҳар ва туманларда тадбиркорларга хизматлар кўрсатиш, уларни кредит маблағлари билан таъминлаш, бизнес режалари ва техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш масалаларида зарур даражадаги ёрдамлар кўрсатилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда туман ва шаҳарларда қўшма корхоналар барпо этиш, хорижий инвесторларни жалб этиш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган эди. Тўғри, бу борада айрим туманларда ҳаракатлар бошланди. Лекин, ҳамон вилоятдаги қатор туманларда бу масалага суствашлик билан қаралмоқда. Маҳаллий хом-ашў неғизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ҳам қолқоқлик билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳолини барқарорлаштириш борасида камчиликлар бор. Хусусан, Ангрэн, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, Қибрай, Ўртачирчиқ, Бўстонлик ва Зангиота туманларида кредиткорлик ва дебиторлик қарзларини қайтариш бўйича етарли иш қилинмапти. Ангрэн, Бекобод, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Тошкент туманида ҳудудий корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган лойиҳалар амалга оширилмапти.

Фаоллар йиғилишида табиий бойликларни — ер, сув, газ ресурслари, электр энергиядан тежамли ва оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишларга ҳам кенг тўхталинди. Бу борада режа ва тадбирлар ишлаб чиқилганлигига қарамадан амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермаётганлиги айтилди. Хусусан, газ, сув сарфини ўлчайдиган ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳамон қониқарсиз бормоқда.

Йиғилишда вилоят марказий банк бош бошқармаси бошқаруви раиси Ўткир Шукуров, Тошкент тумани ҳокими Бахтиёр Алимов, «Вилоят электр тармоқлари» шўъба корхонаси раҳбари Мирвосит Комилов, «Чирчиқтрансформатор» ҳиссадорлик жамияти бош директори Дилшод Назаров, «Ангрэнрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Александр Козлов, Чирчиқ шаҳри ҳокими Мирмуҳсин Мирзаимов ва бошқалар кун тартибидagi масалалар юзасидан сўз олиб, мавжуд муаммолар ва камчиликларни тузатиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этидилар.

Шундай қилиб, вилоятда 2002 йилнинг дастлабки чорак яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг бориши муҳокама этилди. Бу жараённинг ҳар қайси туман, шаҳар ва корхонада қай даражада бораётганлиги аниқлаб олинди. Энг муҳими, эндиликда йил қўйилган камчиликларни бартараф этиш, олдимизда турган долзарб вазифалар ва устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Улар фаоллар йиғилиши қабул қилган қарорда ўзининг ифодасини топди. Энди ҳамма гап уларни бекум қўйиб амалга оширишмилоқда. Йиғилишда таъкидланганидек, бунинг учун вилоятда барча имкониятлар бор.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг ўринбосари В. Атаев иштирок этди.



«ТИКО»дан «МАТИЗ»гача

«Тошвилоятавтохизмат» ҳиссадорлик жамияти ҳамоси вилоятда фақат автомашиналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш билангина нечкани қолмай, аҳолига транспорт воситаларини таъмирлаш, соzлаш борасида ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жамонинг ёш аъзолари маълум муддат ўқув курсларида таҳсил олиб, малака ошириб қайтган, энг охири русумдаги автомобилларни ҳам бемалол «Ўздан ўтказишпти». Энди бу ерда «Нексия», «Дамас», «Тико» каби юртимиз машиналари-ю

бошқа автоуловлар қаторида, мамлакатимиз автомобилсозлигининг кенжа маҳсули — «Матиз»га ҳам малакали техник ёрдам кўрсатилапти. Бу борада, айниқса, ҳиссадорлик жамиятининг Чиноздаги бўлими яхши натижаларга эришмоқда.

СУРАТДА: «Тошвилоятавтохизмат» ҳиссадорлик жамияти Чиноз бўлими аъзолари (чапдан ўнга) Ойбек Қайдуллаев, Акмал Абдуллаев ва Жамол Норқўзиёевлар иш устида.

Даврон АХМАД олган сурат.

Ўзбекистонда Европа киноси кунлари

Жорий йилнинг 10-19 май кунлари Ўзбекистонда Европа киноси кунлари бўлиб ўтади. Унда Франция, Германия, Бельгия, Италия, Чехия, Швейцария, Туркия, Буюк Британия киносанъатининг энг яхши асарлари намойиш этилади.

Фестиваль фильмлари, асосан, пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида намойиш қилинади. Тошкентдаги Миллий матбуот марказида шу муносабат билан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кинофестиваль ташкилотчилари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Туртинчи марта ўтказиладиган бундай тадбир Европа мамлакатлари билан юртимиз уртасидаги маданий алоқалар-

ни ривожлантиришда, тараққий этган давлатларнинг мумтоз ва замонавий киносанъати асарлари билан халқимизни яқиндан таништиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Шуниси эътиборлики, маъзур кинофестивальга купгина фильмлар бегараз ёрдам сифатида тақдим этилаёттир. Шу бонс, чинталарнинг асосий қисми мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда меҳрибонлик уйларида текин тарқатилади.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«ТУРОН»ДА ИЖОДИЙ КЕЧА

Вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиёва билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманлар марказий кутубхоналарининг раҳбарлари, олий ўқув юртлирининг талабалари иштирок этдилар. Йиғилганлар О.Хожиёванинг қарийб қирқ йиллик ижодий ҳаёти ва унинг асарлари ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Иштинирокчилар ўзларини кизиқтирган саволларга шоирадан жавоб олдилар. Шоира ўзининг янги шеърларидан намуналар ўқиди.

Ўз мухбиримиз.

БАЛАН, ҲАМШИРАЛАР

Янгийўл шаҳар марказий шифохонасида «Ҳамшира-2002» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 12 нафар ҳамширалар ўзаро беллашдилар.

Танловда ўзининг қаққонлиги, ширинсуханлиги, беморларга меҳрибонликлари билан ажралиб турадиган болалар шифохонасида Шахноза Мирзахмедова биринчи, туғруқ бўлимида Умида Деҳқонбоева — иккинчи жонлантириш бўлими ҳамшираси Наргиза Юсупова эса, учинчи ўринга муносиб деб топилди. Голиба ва совринли ўринлар эгаларига марказий шифохона касабда уюшмалари кўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

КАМОЛОТГА ЕТ, «КАМОЛОТ»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилганлигининг бир йиллиги муносабати билан Оҳангарон туманидаги 10-ўрта мактабда байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда туман ёшлари ва ўқувчилар иштирок этдилар.

Ҳаракат аъзолари томонидан унинг фаолияти билан боғлиқ саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, мактабнинг рус синфи ўқувчилари томонидан ижро этилган ўзбек тилидаги қўшиқлар барчага манзару бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ҚАНДИЛУ, ГУЛДОНЛАР...

Республикамиз қурилишларида қимматли бинокорлик ашёси етказиб берувчи йirik корхона — Газалкент ойна заводида маҳсулотнинг янги турлари ўзлаштирилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу ерда турли бадий ва ҳар хил ранг ҳамда кўринишдаги шифа буюмлари, жулдан қандиллар, гулдонлар ҳам тайёрланмоқда. Бундай маҳсулотларга талаб катта бўлмоқда ва улар республикамиз минтақаларидаги савдо шохобчаларига бадий шифа буюмлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, мавжуд печлар қувватини ошириш режалаштирилмапти.

Ўз мухбиримиз.

«КАМАЛАК ЖИЛОСИ»

РАВШАНДА

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида «Соғлом авлод учун» ноҳукумат халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган республикамиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Камалак жилоси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўргазмада 100га яқин ишлар, яъни болалар йиш этилган. Ҳайбат ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи пейзажлар, натюрморتلар, сюжетли расмлар, эртақларга битилган безаклар, шунингдек, ёш усталар тайёрлаган саватлар, ёғоч ўймакорлиги намуналари, турли хил ип ва қоғозлардан тайёрланган буюмлар йиш этилган. Ҳайбат аъзолари Тошкент вилоятидаги 125-ихтисолаштирилган интернатнинг олтинчи синф ўқувчиси Равшан Уддибоевнинг расмлар номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

ЎЗА мухбири.

«ЯНГИЙЎЛНОН»

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«Янгийўлнон» шўъба корхонаси шаҳар аҳолисининг нон маҳсулотларига бўлган эҳтижини қондириб келаяпти.

Айни пайтда 117 нафар кишини бирлаштирган жамоа ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини ҳам доимо ортиги билан адо этмоқда. Айниқса, кейинги уч-тўрт ой давомида ишлаб чиқариш қуввати реча баробарга оширилганлиги боис янги-янги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Кун-кеча ана 4 хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, уларнинг тури 15тага етказилди. Амалга оширилган техниквий тадбирлар туфайли бир кунда 10-11 тонна сифатли маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«Умид ниҳоллари» — 2002

ҲАМ БЕЛЛАШУВ, ҲАМ ДЎСТЛАШУВ



Республика умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг Фаргона вилояти ўйингоҳларида қарийб бир ҳафта давом этган мусобақалари ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди

СПОРТнинг энг оммавий ўн бир тури бўйича мусобақалар ўзаро кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди. Айтиш жоизки, вилоятимиз вакиллари ҳам айрим спорт турлари, хусусан, стол теннис, шохуст, белбоғли кураш ва енгил атлетика бўйича беллашувларда биринчи дуруст иштирок этдилар. Жумладан, ядро улоқти-

ривда Григорий Ережанов, 100 метрли масофага юғуришда Антон Алябев бронза медаллари соҳиб бўлишди.

Биринчи марта ўтказиладиганга қарамай, «Умид ниҳоллари» дастуридан бир қатор ижтимоий-маданий ва кўнгилчор тадбирлар ҳам кенг ўрин олган эди. Республиканинг турли минтақаларидан ташриф буюрган мактаб

Қишлоқ ва ислоҳот

ОМБОРДА ҒАЛЛАНГ БЎЛСА...



Паркент вилоятимизнинг энг султим тоғолди гўшаларидан. Бу ҳудуд одамлари қадим-қадимлардан буён қорвачилик, галлачилик ва боғдорчилик билан шуғулланиб келишмоқда. Муствакиллик йилларида иқтисодий ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли бу муҳим ва ҳаётий тармоқ янада ривож топиб ҳосилдорлик, маҳсулдорлик йил сайин ортиб бормоқда. Даромадга яраша бурмад деганларидек, қишлоқлар ободонлашиб, одамларнинг турмуш шароити ҳам

яхшиланиб бормоқда. Деҳқоннинг қайфияти кўтарилиб, ўз касбига меҳри товланиб, янги-янги марраларни эгаллаш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўтган йили Паркент тумани вилоятдаги энг обод ва кўрак туманлардан бири деб тан олинган бўлса, «Бойқозон» ширкат хўжалиги эса, ғалладан энг юқори ҳосил олган хўжалик сифатида муқофотли ўринга сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки туман бўйича 2001 йили гектаридан 43 центнердан ҳосил олинган бўлса, «Бойқозон» ширкат хўжа-

лигида сувли ерларнинг ҳар гектаридан сал кам 72 центнердан хирмон кўтарилди. Бу вилоят бўйичагина эмас, ҳатто республикада ҳам энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

— Биз бу йил, — дейди туман ҳокими Мирзамашраб Қуччиев, — ўтган йилдаги ютуқларни янада мустаҳкамлаб, 60 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилдик. Аминманки, бойқозонликлар бу борада ҳар йилдагидек намуна кўрсатадилар.

(Давоми 3-бетда).

Огоҳликка давбат

ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧИМИЗ

Янгийул туманининг Эски Қовунчи қишлоғида огоҳлик хусусида жамоатчилик йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман маҳаллаларининг вакиллари, қишлоқ оқоқоллари ва ёшлар иштирок эттиди. Йиғилиш қатнашчиларига «Иштироб» видеофильми намойиш этилди.

Янгийул – келажакка ишонч билан қараб, бахтини-тахтини меҳнат билан яратиб келаятган тадбиркорлар, изланувчанлар юрти. Бу туманда яқин ўтмишда етмишдан зиёд меҳнат қарамони етишиб чиққан. Бугунги тадбиркорлик ҳаракати замонавийнинг янги фидойи, ташаббускор, гайратшўроқли инсонларини намояндаларига айтади.

Лекин турмушимиздаги янгиликлар, ижобий ўзгаришлар йўлини тўсишга уринаётган кучлар йўқ эмас. Улар бугун ҳаракат йўсинларини ўзгартириб, ёшлар, айниқса, хотин-қизларимиз онгини захарлашга уринмоқда.

Учрашувда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалла посбонларининг бурчлари ва ҳуқуқлари теъарафидида қизгин фикрлашув бўлиб ўтди. Маҳаллаларга келиб-кетувчи бегона кишиларни текшириб туриш лозимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хотин-қизлар қўмитасининг раиси Манзура Иброҳимова, хусусан, Эски Қовунчи қишлоғида юзага келган бугунги муаммо ҳақида гапириб, бевоқиф оила бошлиқлари, кўпни кўрган қариялар, қишлоқ зиялилари ёшлар тарбиясига эътиборни қучайтиришлари лозимлигини таъкидлади.

Фарзанд азиз, деди Эски Қовунчи қишлоғи жоме масжидининг имом хатиби Баҳодир Мадумаров, лекин одоби ундан азиз. Исломи дини ақл-одоб тарбияси, оила тотувлиги, юрт осойишталиги ва жамият барқарорлигига хизмат қилувчи бир неъмат. Лекин, айрим жохил, ақиданараст кимсалар Аллоҳ калимаси ва Пайғамбаримиз ҳадисларини узук-юлуқ талқин қилиб, йимон-эътиқоди бўш айрим йиғит-қизларимиз онгини захарлашга уринмоқдалар. Биз бундай урунишларга биргаликда барҳам беришимиз керак.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимининг раиси Жўра Шодмонқулов, Гулбаҳор

қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Анвар Дадабоев келажакимиз – маърифатли, ватанпарвар, меҳнатсевар йиғит-қизларни тарбиялашда маҳалла оқоқоллари, мактаб ва оиланинг ўрни алоҳида эканлигига эътиборни қаратишди.

Қишлоғимизда айрим ёшлар зарарли оқимлар таъсирига берилиб қолаётганлиги ҳақида гапираётганимиз, деди меҳнат фахрийси Деҳқонбой Уроқбоев. Шу билан бирга бу ҳолатнинг ижтимоий-иқтисодий сабабларини ҳал этишни ҳам унутмайлик.

Ҳақ гап. Чунки, Эски Қовунчи қишлоғида ишсизлар оз эмас. Айниқса, ёш йиғит-қизлар орасида. Уларни иш билан таъминлаш – зарарли, жиноят йўлидан сақлашнинг асосий гарови. Тунги қаҳвахона, кўнгли очар жойлар ва билъярдхоналарнинг ишсиз ҳақ тартибга солиши вақти келди. Ёшлар учун қизқарли учрашувлар, сўхбатлар ташкил этиши, тадбиркорлик ҳаракати, таъкидлашга кенг йўл очиб солим, дейишди йиғилиш иштирокчилари.

Мустақил Ўзбекистон – барчамизнинг Ватанимиз. Унинг бугунги кўни, бахтли истиқболи порлоқ бўлишига ҳеч биримиз бефарқ эмасмиз. Айни вақтда унинг осойишталигини сақлаш, барқарорлигини мустаҳкамлаш, келажакимиз буюк бўлишига хизмат қилиш учун ҳар биримиз бурчимиз. Бинобарин, ҳар турли қиёфада намояндалар зарарли оқимлар йўлига ишончли ғов қўйиш ҳаммамизнинг мақсадимиз бўлиб қолиши керак. Эски Қовунчи қишлоғида ўтган йиғилиш иштирокчилари шундай қатъий фикрга келишди. Улар бир овоздан: «Огоҳлик – Ватанимиз истиқболи олдидаги бурчимиздир», дейишди.

Учрашувда Янгийул тумани ҳокими Йўлдош Тожибоев, туман прокурори Омон Эшқобилов, ички ишлар бўлими бошлиғи Бахтиёр Болтабоев, «Камолот» ёшлар ҳаракати вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дийёр Алимовлар иштирок этишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш солиқ қончилигини ҳам янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назордан қараганда, Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлди. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурда Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Утган мuddатда унинг органлари мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, солиқлар ва тўловларнинг давлат бюджетига тўлиқ тушишни таъминлашга, давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатини ҳимоялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тошкент вилояти ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари ҳам ўтган мuddатда солиқ қончилигини мустаҳкамлаш, солиққа оид жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, самарали профилактика ишларини олиб бориш ҳамда етказилган иқтисодий зарарни ундириш юзасидан солиқ хизмати идоралари билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширди. Фаолиятимиз самарадорлиги кўриб чиқилган ва қўзғатилган жиний ишлар сонига қараб эмас, энг аввало, профилактика ишлари ҳамда давлат бюджетига ундирилган маблағлар миқдори қараб баҳоланади. Бошқарма ходимлари томонидан 2002 йилнинг биринчи чорагида фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, солиқларни тўлашдан бош тортганлик, иқтисодиётда ҳамда солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушуначасини фуқаролар онига синдириш борасида 259 мартаба семинар ва учрашувлар ўтказилди. Ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни тушутириш натижасида солиқ тўловчилардан салкам 43 миллион сўм маблағ уларнинг ўз ихтиёри билан давлат бюджетига тўлалиши таъминланди.

Афсуски, қонунлар устуворлигини таъминлаш, амалдаги қонунларни баҳарий мажбурий эканлигини айрим фуқаролар ҳамон чуқур тушуниб етмаётганлиги. Шу боис ўтган давр мобайнида бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Ноқонуний нақд пул айланмаларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш, Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоб қилишда» назорат-қасса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан қўнлик нақд пул тушумларининг банк муассасаларига тўлиқ топширилишини таъминлаш борасида солиқ хизмати идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган текширишларда 41та ҳолат бўйича назорат-қасса машиналаридан ноқонуний фойдаланётган қорхона ва савдо шахобчалари аниқланди. Бундай

ҳатти-ҳаракатларга оид 4 ҳолат бўйича жиноят иши ва 26 ҳолат бўйича маъмурий ишлар қўзғатилиб, қонунбузарлардан ҳозиргача 3 миллион 174 миң сўм ундирилди. Назорат-қасса машиналарини белгиланган тартибда ишлатмаган ва савдо пулларини ўтказмаган қорхона ва ташкилотларга нисбатан 24 та ҳолат бўйича 8 миллион 232 миң сўм молиявий жарималар қўлланилиб, бюджетга ундириш чоралари кўрилди. Бўстонлиқ туманида жойлашган «Эъзоз» хусусий фирмасига қарашли дўкonda қисқа мuddатли текшириш ўтказилганда сотувчи С. Ҳа-

Қарор ва ижро

ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоятда ўтган ойлари давомида ўтказилган тадбирлар натижасида 39та ҳолат бўйича акциз маркази билан марказланмаган, чет элларда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний йўллар билан сотаётган фуқаролар аниқланди. Улар давлат солиқ инспекцияларидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмай, чакана савдога рухсатнома олмай, Вазирлар Маҳ-

ди ва улардан ашёвий далил сифатида 2 миллион 353 миң 985 сўмлик акциз маркази тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар вақтинча олиб қўйилди. Уларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бугунги кунда солиқ соҳасида содир этилаётган барча ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ишда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф этиш, кадрларни тайёрлаш, касб маҳоратларини ошириш каби ташкилий масалаларга эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, мажҳуд қонунларни тушутириш ишларини қучайтиришга, суриштирув ва солиққа оид қонунларга риоя этилишини аҳоли юзасидан ўтказилаётган текширувлар самараси ва сифатини яхшилашга, хизмат идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга, аниқланган қонунбузарликлар юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Бошқармаимизда аҳоли билан мунтазам алоқада бўлиш мақсадида 173-00-59, 173-00-53 рақамли ишонч телефонлари ўрнатилган. Улар орқали юртдошларимиз иқтисодий ва солиқ қончилиги бўйича уларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин. Бундай ҳамкорлик сўзиси, қонун устуворлиги ва қарорлар ижросини тўла таъминлаш имконини беради.

Миразим ҲАМИДОВ, Тошкент вилояти прокуратураси ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Хитой Халқ Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Янг Цэнлин бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Хитой Эксимбанки билан 100 миллион юанга тенг (12 миллион АҚШ доллари атрафида) кредит шартномасини имзолади.

Мазкур кредит «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан газ ҳисоблаш приборларини қаратиш ва истеъмолчиларга ўрнатиш борасидаги лойиҳани молиялаштириш учун ажратилмоқда. Ушбу лойиҳа Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифаларига жавоб беради. Газдан унумли фойдаланиш, тўғри ҳисоблаш мамлакатимиз раҳбарияти сиёсатининг табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги муҳим йўналиши ҳисобланади.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикасида Хитойнинг Экспорт-импорт банки томонидан молиялаштирилаётган биринчи лойиҳалардан биридир. Кредит имтиёзли шартлар асосида берилмоқда.

Ўзбекистон Миллий банкида бўлиб ўтган музокаралар давомида томонлар Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларида, кичик ва ўрта бизнес соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этди.

Ў.А.

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ ХИЗМАТИНГИЗДА

айтметова харидор берган 1500 сўм нақд пулни ўтказмаганлиги, умуман бу даврда назорат-қасса машинасида жами 2 миллион 29 миң 345 сўм савдо пули ўтмаганлиги аниқланди.

Зангиота тумани «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шоҳрух Муҳаммад» хусусий қорхонаси қарашли АЕҚШда ҳам қисқа мuddатли текшириш ўтказилди. Оператор Р.Дашкин харидор ҳақида 560 сўм хиёнат қилиб, олинган нақд пуллари назорат-қасса машинасида ўтказмаганлиги маълум бўлди. Умуман, шу кўни савдодан тушган 1336700 сўм нақд пул назорат-қасса машинасида ўтмаган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида бу пуллар банк муассасасига топширилиши таъминланди. Юқоридаги

айтметова харидор берган 1500 сўм нақд пулни ўтказмаганлиги, умуман бу даврда назорат-қасса машинасида жами 2 миллион 29 миң 345 сўм савдо пули ўтмаганлиги аниқланди.

Зангиота тумани «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шоҳрух Муҳаммад» хусусий қорхонаси қарашли АЕҚШда ҳам қисқа мuddатли текшириш ўтказилди. Оператор Р.Дашкин харидор ҳақида 560 сўм хиёнат қилиб, олинган нақд пуллари назорат-қасса машинасида ўтказмаганлиги маълум бўлди. Умуман, шу кўни савдодан тушган 1336700 сўм нақд пул назорат-қасса машинасида ўтмаган. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида бу пуллар банк муассасасига топширилиши таъминланди. Юқоридаги

ОНА САЛОМАТЛИГИ — ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ

Оила мустаҳкамлиги, аввало, аёллар саломатлигига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аёллар соғлиғи муҳофазасига, жамиятимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Аёллар репродуктив саломатлигини таъминлаш бу борада алоҳида аҳамият касб этади.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ана шу масалага бағишланган симпозиум бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги етакчи акушер-гинекологлар, тиббиёт олий ўқув юртинларининг ўқитувчи ва талабалари, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни қучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар мавқеини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари юртимиздаги ижтимоий-демогра-

фик вазиятнинг сезиларли даражада яхшилаш имконини бергани таъкидланди. Шу билан бирга, республика миқтақалари бўйича аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза этиш борасидаги ишларни қўнғилдайдик, деб бўлмайдик. Бу муаммони ҳал этишда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва усиб келаятган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоғи зарурлигига эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА, Ў.А. муҳбири.

Ислоҳот одимлари




«Далварзин таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятини нафақат вилоятимиз, айни вақтда республикамиз қишлоқ хўжалиги қорхоналари жамоалари яхши билишади. Унга иши тушмаган хўжаликлар топилмаса керак.

Чунки, бу ерда турли қишлоқ хўжалик машина-механизмлари қайтадан тикланади, улар учун қўллаб ҳар хил эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Утган йилда 60 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариб ва таъмирлаб, бир ярим миллион сўмлик соф фойда олган жамият аъзолари бу йил камиди 100 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашмоқчи. Айни вақтда янги бюртомачилар билан шартномалар тузиш давом эттирилмоқда. Улар орасида Бўка, Пскент, Бекобод, Тошкент туманлари ширкат хўжалиқлари кўччиликни ташкил этади. Йилнинг биринчи чорагида 21 миллион сўмлик маҳсулот ва хизмат сотилди. Иккинчи чорақда эса бундан икки миллион сўмлик қўп иш-

ИЗЛАНИБ, ТАШАББУС КЎРСАТИБ

мутахассислари ташаббуси билан жорий қилинган бир техникавий тақлиф қўп миқдордаги маблагни тежаб қолиш учун йўл очди. Улар «ГАЗ-53», «ЗИЛ» каби юк автомашиналари двигателлари сифатида «Д-240» русумли моторни ишлашнинг афзалликларини амалда исбот қилдилар. Бундай тадбир натижасида қимматбаҳо бензин ўрнида дизел ёнилғисидан фойдаланиш мумкин бўлади, чунки, «Д-240» двигатели со-

гидравлик насосини ишлаб чиқариш учун ҳаракатни бошлаб юбордик. Бунинг учун хоржий касбдошлар билан ҳамкорлик қилмоқчимиз. Шерик бўлиш истагини билдирганлардан бири Россиядан чиқди. Ставрополь ўлкасидаги Грачевский гидрогрегат заводи раҳбарлари бизга ёрдам беришмоқчи. Ҳозир улар билан музокаралар олиб борилмоқда. Вакиллари қорхонамизга келиб, янги ишлаб



бажариш мўлжалланмоқда. Қорхонада янги-янги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш давом этапти. Яқинда «МТЗ-80» русумли тракторнинг «Д-240» двигатели муҳим узелларидан бири сув насоси тайёрлаш йўлига қўйилди. «Кейс» галла комбайнининг ҳам қатор эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Омоҳ, культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари учун лозим бўладиган қатор деталлар ҳам тайёрланапти. Жамиятнинг изланувчан

чиқаришни барпо этиш учун жой танламоқдалар. Ҳамкорлик бошланган, қорхонамизда зарур яна бир мураккаб мослама тайёрлашга киришилди. Собир ҲАМИДОВ, СУРАТЛАРДА: қорхонанинг илгор тоқари Йўлдош Зарипов иш устида, етакчи мутахассис Валижон Қаринов ва қилангар Комилжон Сопитовлар автомашинани двигателини созмамоқдалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси кузатув кенгаши 2002 йил 31 май кунини акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиб қилиш маълум қилади. Йиғилиш Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уйда ўтказилади. Қатнашчилар 31 май кунини соат 9.00дан 15.00гача рўйхатга олинади. Йиғилиш соат 16.00да бошланади. КҮН ТАРТИБИ 1. 2001 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида йиллик ҳисоботни тасдиқлаш ҳамда компаниянинг 2002 йилдаги ривожланиш истиқболлари. 2. 2001 йил тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудиторлик текшируви натижаларини тасдиқлаш. 3. 2002 йил даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлаш. 4. Фойда тақсимоти. КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азизларни 2002 йил 5, 12, 19 ва 26 июнь кунлари соат 10.00да ўтказилаётган навабатидаги аукцион ва биржа савдоларига тақлиф этади. Савдога қўйиладиган қўйилди: 1. Тошкент вилояти Бўка тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли Бўка тумани Ўзбекистон кўчасида жойлашган «Кир» юйиш биноси. Бошланғич баҳоси – 3 399 000 сўм. 2. «Туркистон» хўжалигига тегишли ГАЗ-53 русумли, давлат рақами 38-08 ТВ бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган авто-транспорт. Бошланғич баҳоси – 528 000 сўм. Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридидаги маблағ ва боҳоласи хизмат ҳақини алоҳида «Хусусийлаштиришга ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади. Шунингдек, аввалги савдоларда қўйилган ва сотилмай қолган, бекор қилинган ер майдонлари, автотранспорт воситалари, ва бошқа кўчмас мулк объектлари ушбу савдоларда сотилиши мумкин. Биржа савдолари ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй, вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Тел: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

ФАХРИЙЛАРГА ЭЪТИБОР

"Бекободцемент" акциядорлик жамиятида ишчи-хизматчиларни иқтисодий муҳофазо қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наврӯз байрами кунлари цементчилар фарзандларидан 25 нафарининг суннат тўйи ўтказилган эди.

Шу кун 4 мингга яқин кишига ош тортилиб, "тўйбола"ларга бошдан-оёқ сарпо берилди. Улар-

омонат дафтарчаси топширилди.

— Корхонамизда кўп йиллар меҳнат қилиб, хозирда қариллик гаштини сураётган 500 га яқин факрийларимиз бор. Уларни тез-тез йўқлаб, ҳолидан хабар олиб туриш, яхши

кунларда бир пиёла чойга тақриф этиш ҳам анъанага айланган, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Фиёс Миркомиллов. — Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бундай хайрли тадбирларни янада кенгайтирдик. Уларга ўзимизда ишлаб чиқарилаётган цемент, шифер ва бошқа маҳсулотларни им-

тиёзли, ҳатто бепул ажратишни ҳам йўлга қўйдик. Бундай имтиёздан шахримиздаги ёрдамга муҳтож уруш ва меҳнат факрийлари ҳам фойдаланмоқда. Айни кунларда Хотира ва қадрлаш кунига қизгин хозирлик кўрялмиз.

Н. ДУШАЕВ, УЗА мухбири.

Мутахассис тавсия қилади

ҚАРАСАНГИЗ БОҒ БЎЛАДИ


Бу йилги баҳор ниҳоятда серёғин келди. Бу ҳол мевали даракларнинг ҳосилдорлигига таъсир этиши мумкин. Чунки данакли мева дараклари айни гуллаган пайтда тинимсиз ёмиғ ёғди, намгарчилик уруғли мева даракларининг гуллаш мuddатига давом этди.

Шундай мураккаб шароитда мўл ва сифатли ҳосил олиш учун бир қатор кечиктириб бўлмайдиган агротехник тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Агар кузда тупроққа ўғит солинган, бироқ ишлов берилмаган бўлса, шу кунлардан гектарига аммиак селитрасидан 350 килограммдан ёки аммофосдан 250 килограммдан, фосфорли ўғитдан эса 180 килограммдан, калийдан 90 килограммдан солиниб, чуқур ҳайдаб, юмшатиш шарт. Кузда ёки март ойларига боғ ва тоқзорларга ўғит солинган бўлса, май ойининг бошларида асосий йиллик ўғит миқдорининг 50 фоизи ерга солиниши зарур.

Боғ ва тоқзорларни маҳаллий ўғитдан фойдаланиб, шарбат усулида суғориш ҳам яхши самара беради. Бунинг учун боғдан узоқ бўлмаган жойда чуқур қавланади, яхши чиритилган гўнг солиниб, сув қуйилади ва аралаштирилади. Уч кун давомиде бу аралашма тайёр бўлади. Кейин сув қуйилиб, ариққа окизилади. Боғ ва тоқзорларнинг эгтарлига таралади.

Тупроқда намни узоқ сақлаш учун чизеллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу тадбир тоғолди лалми қияликлардаги боғларда



йўқотиш, боғда қуриган пўстлоқларни, шохларни олиб ташлаш, ўтган йилги япроқлардан обдон тозалаш керак.

Шу кунларда уруғли ва данакли мева даракларини зараркундалардан сақлаш учун боғларда суми-альфа, золон, талстар, танитол, инсегар, БИ-58 сингари дорилардан тайёрланган суюқликларни мутахассис тавсияси ва назоратида сепиш лозим.

Олма кўртининг қишлаб чиққан биринчи авлодларининг алли тухум қўйиши ва тухумдан чиқиб даври бошлангани май ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади. Ана шу пайтда юқорида тавсия этилган дориларнинг билиб ишлатилиши катта фойда келтиради. Бу дори бошқа зарарли капалакларга, қуя, барг ўрөөчилар ҳамда қалқондор, барг битлари, мева каналарига қарши ишлатилганда ҳам яхши самара бериши амалда исботланган.

Мутахассисларнинг бу тавсиялари асосида қўриладиган чора-тадбирлар, табиийки, боғбонларнинг ўз тажрибалари билан уйғунлаштириб, бойитилиб амалга ошириласа, боғ ва тоқзорлардан қўтилгайди сара ҳосил олишга имкон яратилади.

Мақсуд МИРЗАЕВ, Р.Р.Шредер номидаги институт директори. Ю.ЖАВҚЯНЦ, шу институт директорининг ўринбосари.

Қишлоқ ва ислоҳот

хурпайтиради, ҳолос. Қолиб кетган бегона ўт уруғларининг чиқишига ёрдам беради. Аслида галлани табийи суғорганга ҳеч нарса етмайди. Ана шу суғориш жараёнидагина галлага бериладиган ўғит ўсимликнинг томирига бориб етади.

— Ҳамма нарса меъёрида бўлгани яхши. Мен айрим галлакорлар билан суҳбатлашсам улар бу йилги намгарчилик кўп бўлган шароитда экин занг касали билан оғриб қолаётганлигидан ҳавотирланиб гапирмоқдалар.

— Бизда бундай ҳавотирланишга ўрин йўқ. Чунки, занг касаллигига қарши олтин гугурт ва мис купораси ҳамда калий ўғити қўшилмасидан тайёрланган суюқлик сепилган. Мен сизга айтсам, зангнинг кушандаси калий ҳисобланади. Бу бир, иккинчидан, занг касаллигининг спораши (уруғи) асосан майдон атрофидаги бегона ўтларда қишлайди, кўпаяди ва тарқалади. Шунинг учун биз занг касаллигига дори сепиш билан қишланмай, майдон атрофларидаги бегона ўтларни йўқотиб, илдизи-пилдизи билан тозалаш, ҳайдаб қўямиз. Буларнинг ҳаммаси галланинг баравж ривожланиб, мўл ҳосил тўплаши учун замин бўлади.

— Пудратчи билан ҳўжалик ўртасида тузиладиган шартнома тўлиқ ишлайдими?

— Бўлмасамчи, агар шартнома ишламаса, пудратнинг обрўси қолмайди. Деҳқоннинг ишончи йўқолади. Шунинг учун ҳам биз бу масалага алоҳида эътибор берамиз. Аввало шуни айтишим керакки, шартнома ҳар икки томоннинг манфаатлари тенг ҳисобга олинган ҳолда тузилади ва у умумий бўлмайди. Ҳар бир пудратчи билан унинг ер майдони, ҳосилдорлигининг қандай белгиланишига қараб, алоҳида алоҳида суҳбатлашамиз ва белгилаймиз. Бу шартнома ҳар йили янги-янгиланб, бойитиб борилади.

Ҳўжалик томони шартномада ўзига юклатилган вазифани бекаму-кўст бажаради. Пудратчи билан, агар у шартномада кўрсатилганидан ортиқча ҳосил олса, бу ҳосилнинг 100 фоизи натура сифатида ўзига берилади. Ўтган йили айрим пудратчилар ўзларининг шахсий оморларига 7 тоннагача ҳосил тўқдилар. Ишни қўйил қилганидан сўнг қандини урсинди! Бундай миришкорларга табийиик, бошқаларнинг ҳаваси келади, ўшаларга ўхшаб ишлашга, тажрибасини ўрганиб, ўзиде жорий этишга ҳаракат қилади. Пудратчи маъмуриятни унга тегишли шартнома шартларини тўла-тўқис бажаришлари учун ҳоли жонига қўямаслигининг, улар томонидан бериладиган ўғит ва бошқа воситаларни грамм-граммигача ўлчаб, тортиб олишига ажабланмас бўлади.

Бойқозонликларнинг галладан мўл, сифатли ҳосил олиш тажрибалари шулардан иборат.

Биз аминимизки, бу тажриба Йилдан-Йилга бойиб боради. Чунки, галлачилик йилдан йилга катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Буни шундан ҳам билса бўладики, агар ўтган йили барча тармоқлардан 162 миллион сўм соф фойда олган бўлса, бу фойданинг деврли учдан бир қисмини галлакорлар келтиришди. Пудратчиларга тарқатилган дивиденд пули 12 миллиард сўмни ташкил этди.

Биз изланишда, тажрибалари бойитиб, тақомиллаштиришда давом этамиз. Келгуси йилда кўжалик бўйича олинладиган соф фойдани камиде 250 миллион сўмга етказмоқчимиз. Бунда табийиик, галлакорларимизнинг улуши янада салмоқли бўлади. Меҳнат қилгандан сўнг, унинг роҳатини кўриш, зарур пайтда дам олиш, ҳордик чиқариш шарт. Бошқарув бу масалага ҳам катта эътибор беради. Қишлоқ йил сайин обод бўлиб бораётипти. Бу йил ҳўжалик ўз маблагига ҳисобига деҳқонларнинг маданий-маиший дам олиш масканини қуришга киришди. Бу мажмуада барча имкониятлар мавжуд бўлади. Чойхона, дам олиш хонаси, кутубхона ва бошқа қулайликлар яратиб берилади. Мажмуанинг шундоққина ёнида каттагина ўйингоҳ қурилади. Қишлоқ ёшлари спортнинг барча турлари билан шуғулланиш, мажмуада фаолият кўрсатадиган, ўзларини қизиқтирадиган тўғарақларга қатнашиш, турли хил ҳунарларни ўрганиши имкониятига эга бўлади.

Ҳўжалигимиз худудда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган шаҳарча бунёд этилишига кўп вақт қолгани йўқ. Деҳқоннинг турмуш тарзи бутунлай ўзгариб, янгилиниб бормоқда. Чунки, улар меҳнатлари яраша қадр, ҳурмат топмоқдалар, рағбат олмақдалар. Энг муҳими ислоҳот ишлаётгани, деҳқоннинг ерга, меҳнатга бўлган муносабати ўзгармоқда. Галлачиликдаги ишлар унинг бир бўлиги ҳолос. Демак, дидил айтиш мумкинки, бойқозонликлар йил сайин бойиб борадилар.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент Ҳақиқати» махсус мухбири.

Биз яқинда мазкур ҳўжаликда бўлиб, бошқарув раиси Тоҳир Холтөөв билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатдан ҳам ҳўжалик деҳқонларининг галлачилик соҳасида кўлга киритаётган ютуқлари, маҳорати, миришкорлиги, тажрибалари таҳсинга лойик. Тоҳир Холтөөв, сир бўлмаса бундай юқори кўрсаткичга қандай эришилмоқда?

— Бизда умуман олганда 630 гектар майдонда галла етиштирилади. Мана шу майдоннинг 280 гектари сувли, қолгани лалми ҳисобланади. Ўтган йили сувли ерлардан сал кам 72 центнердан, лалмидан эса 20 центнердан ҳосил олинди. Бундай ютуқнинг боиси ҳақида фикр юритиб «ҳаммаси меҳнатдан» деб қиска қилиб айтиш мумкин. Лекин, меҳнат чинакамига ва қўтилган самара бериши учун агротехника билан боғлиқ бир қатор тадбирлар борки, ҳамма учун маълум бўлган бу омиллар қай тартибда ва қанон амалга оширилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Авалло шуни айтиш керакки, лалми ердан ҳам юқори ҳосил олиш учун бу майдонларни ҳам худди сувли ерларни қишга тайёрлагандек ишлаш керак бўлади.

Баъзи жойларда уруғ қўлда сепилади. Бунинг оқибатида ҳосилдорликка зиён етади.

га кўпроқ Краснодар ўлкасига мансуб бўлган галла уруғининг «Крошк», «Княжия» сингари навлари ҳамда Венгрия олимлари томонидан яратилган айрим навлар мос келишини билиб олдик. Энг муҳими иссиқ, совуққа чидамли, унча-мунча табийи офатни ҳам ўзига олмайди, ётиб қолмайди. Биз бу йил асосий майдонларга ана шу навларни эдик, хозирги кунда уларнинг ривожи, ҳосил тўплаши ёмон эмас.

Юқорида айтганларимга қўшимча қилиб, яна шуни айтишим керакки, деҳқон навининг хусусияти ва агротехникасини беш қўлдек билиб олиши керак. Деҳқон астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириди. Лекин, ҳосилимиз мўл бўлди, деб қувонишга ҳали вақт эрта. Айтишадик, даладагисиз эмас, хирмондагисиз ҳисоб деб.

— Худди ана шу ҳақда, яъни етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, йиғиб-териб, саранжомлаб олиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида гапирсангиз.

— Ҳақиқатдан ҳам бу жараён ҳал этувчи аҳамиятга эга. Мавжуд қомбайнларни қандай созлаш ва уларни қай йўсинда ишлата билиш ҳосил тақдирини ҳал қилади. Бизда бу мавсумда олтига «Нива» ва битта «Енисей»

қомбайнидан фойдаланилади.

Ўримга киришидан олдин тажрибакорлар, миришкорлар билан биргаликда дала айланамиз. Муддатни белгилаймиз. Ўримнинг энг яхши мuddати галла мўм пишган вақтга тўғри келиши керак. Бу вақтда галладаги нисбий намлик 20 фоизни ташкил қилади. Лекин, айрим сабабларга кўра «ҳали вақт эрта» деб ишни пайсалга қолсангиз, ютқазасиз. Муддат ўтиб боргач, галладаги нисбий намлик 7-8 фоизга тушиб қолади. Бундай пайтда далага қомбайн олиб кирсангиз, иш жараёнида бошқалардаги галла чатнаб, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиши мумкин. Демак, ҳосилдорликка зиён етади. Яна бир муҳим омил: қомбайннинг галла майдонига техникани қай даражада бошқаришидир.

Ҳўжалик томони шартномада ўзига юклатилган вазифани бекаму-кўст бажаради. Пудратчи билан, агар у шартномада кўрсатилганидан ортиқча ҳосил олса, бу ҳосилнинг 100 фоизи натура сифатида ўзига берилади. Ўтган йили айрим пудратчилар ўзларининг шахсий оморларига 7 тоннагача ҳосил тўқдилар. Ишни қўйил қилганидан сўнг қандини урсинди! Бундай миришкорларга табийиик, бошқаларнинг ҳаваси келади, ўшаларга ўхшаб ишлашга, тажрибасини ўрганиб, ўзиде жорий этишга ҳаракат қилади. Пудратчи маъмуриятни унга тегишли шартнома шартларини тўла-тўқис бажаришлари учун ҳоли жонига қўямаслигининг, улар томонидан бериладиган ўғит ва бошқа воситаларни грамм-граммигача ўлчаб, тортиб олишига ажабланмас бўлади.

Бойқозонликларнинг галладан мўл, сифатли ҳосил олиш тажрибалари шулардан иборат.

Биз аминимизки, бу тажриба Йилдан-Йилга бойиб боради. Чунки, галлачилик йилдан йилга катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Буни шундан ҳам билса бўладики, агар ўтган йили барча тармоқлардан 162 миллион сўм соф фойда олган бўлса, бу фойданинг деврли учдан бир қисмини галлакорлар келтиришди. Пудратчиларга тарқатилган дивиденд пули 12 миллиард сўмни ташкил этди.

Биз изланишда, тажрибалари бойитиб, тақомиллаштиришда давом этамиз. Келгуси йилда кўжалик бўйича олинладиган соф фойдани камиде 250 миллион сўмга етказмоқчимиз. Бунда табийиик, галлакорларимизнинг улуши янада салмоқли бўлади. Меҳнат қилгандан сўнг, унинг роҳатини кўриш, зарур пайтда дам олиш, ҳордик чиқариш шарт. Бошқарув бу масалага ҳам катта эътибор беради. Қишлоқ йил сайин обод бўлиб бораётипти. Бу йил ҳўжалик ўз маблагига ҳисобига деҳқонларнинг маданий-маиший дам олиш масканини қуришга киришди. Бу мажмуада барча имкониятлар мавжуд бўлади. Чойхона, дам олиш хонаси, кутубхона ва бошқа қулайликлар яратиб берилади. Мажмуанинг шундоққина ёнида каттагина ўйингоҳ қурилади. Қишлоқ ёшлари спортнинг барча турлари билан шуғулланиш, мажмуада фаолият кўрсатадиган, ўзларини қизиқтирадиган тўғарақларга қатнашиш, турли хил ҳунарларни ўрганиши имкониятига эга бўлади.

Ҳўжалигимиз худудда ҳамма ҳавас қилса арзийдиган шаҳарча бунёд этилишига кўп вақт қолгани йўқ. Деҳқоннинг турмуш тарзи бутунлай ўзгариб, янгилиниб бормоқда. Чунки, улар меҳнатлари яраша қадр, ҳурмат топмоқдалар, рағбат олмақдалар. Энг муҳими ислоҳот ишлаётгани, деҳқоннинг ерга, меҳнатга бўлган муносабати ўзгармоқда. Галлачиликдаги ишлар унинг бир бўлиги ҳолос. Демак, дидил айтиш мумкинки, бойқозонликлар йил сайин бойиб борадилар.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент Ҳақиқати» махсус мухбири.

ОМБОРДА ҒАЛЛАНГ БЎЛСА...



Негаки, очкида бир мuddат бўлсада қолган уруғликни қурт-қумурска, қуш еб кетади. Демак, гектарларда мўлжалдаги қўчат етишмайди.

Биз бунга йўл қўймаймиз. Уруғликни махсус мослаштирилган техника ёрдамида экамиз, 4 сантиметр чуқурликка кўмиб кетилади ва у беҳато униб чиқади. Фурсатни ўтказмай, дарҳол ишловга киришилади. Ер етилишини поймаб ўтирмай, азотли ўғитни қўлда сепиб чиқамиз. Бу муҳим тадбир тахминан январь ойи охири ва февраль ойларининг бошига тўғри келади. Ҳатто, қор ёққан бўлса ҳам, қараб ўтирмаймиз. Зарур ўғитни қор устига сепиб чиқадилар, қайтага яхши бўлади. Эрвугарчилик жараёнида ўғит тупроқнинг магиз-магизига сингади, экиннинг илдиэига бориб етади.

Экиннинг авж олишида боронанинг аҳамияти беқийёс. Бу тадбир майсалар тўплай бошлаганида амалга оширилади. Лекин борона пайтида деҳқоннинг ҳам, мутахассиснинг ҳам назорати жуда зарур. Сабаби — борона ўтказиб-лаётганда галла майсалари ер билан битта қилиниб, эзиб ташланаётгандек бўлиб қўринади. Лекин уч-тўрт кундан сўнг ана шу далаларни кўздан кечирангиз хурсанд бўлиб кетасиз. Галла майсалари дуркун ривожлана бошлайди. Боронанинг ҳосиятлари ҳақида кўп гапирш мумкин. Улардан бири шуки, ҳаво режими яхшиланади, майсанинг илдиэи яхши нафас олади, нам узоқ сақланади. Энг асосийси экиннинг озукчасига шерик бўладиган бегона ўт йўқолади.

Қисқаса, деҳқон галладан юқори ҳосил оламан деса, миришкорлигининг ўзи кифоя қилмайди. У экин билан дамба-дам суҳбатлашиб туриши, у нима деддганини билиб олиши керак. Ҳақиқатдан ҳам қарасангиз, «менга сув бер, озукча бер» деяётгани билиниб турасиз.

— Деҳқоннинг меҳнати, амалга ошириладиган тадбирларнинг самараси навага ҳам боғлиқ...

— Бу табийи. Деҳқон юқоридан тавсия этиладиган ва мақталадиган ҳар қандай нави экавермаслиги керак. Бизнинг ҳўжалигимизда салкам 1,5 гектар тажриба майдонимиз бор. Ана шу ерларга ҳар йили ўттизга яқин нави экиб, синая кўрамиз. Нав ҳар хил бўлади-да. Яхши томонлари билан бирга ҳар хил бўлади. Синов жараёнида биз уни билиб оламиз. Масалан, «Унулли» навини олсак, у 60 центнергача ҳосил беради. Лекин, унча-мунча шамолга, жалага чидамайди, ётиб қолади. Меҳнатимизнинг бир қисми зое кетади. Биз тажриба жараёнида иқлим ва тупроқ шароитимиз-

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Рақслар гулшанида"

ЮНЕСКО қарорига мувофиқ 29 апрель Жаҳон рақс кунига сифатида нишонланди.

Шу муносабат билан Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» бирлашмаси «Баҳор» концерт залида «Тановар», «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон», «Етти гўзал» ансамбллари, «Мукаррама» болалар рақс студияси қатнашчилари «Рақслар гулшанида» деб номланган

концерт дастурини намойиш этди. Рақс санъати ихлос-мандлари устоз санъаткорлар, таниқли балетмейстер ва рақсозлар билан иждодий мулоқотда бўлиди. Бирлашманинг ўзбек миллий рақс санъатини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва жаҳон саҳнасига олиб

чиқиш борасидаги ишлари билан танишдилар.

Б. МАНСУРОВ, УЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан қуйидаги касб-ҳунар коллежларининг Директорлари лавозимларига танлов эълон қилади:

1. Ангрэн шаҳар Нуробод қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежига.
2. Окқўрган қурилиш касб-ҳунар коллежига.
3. Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасанинг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.
4. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
 1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
 2. Тавсиянома
 3. Сўровнома
 4. Таржиманой ҳол
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси
6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақида ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий-усулбий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4x6 ўлчамдаги фотосурат (бта)
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизик қишлоғи. Тел: 66-16-51, 66-09-59.

"Uzbekistan Airways Technics" самолёт таъмирлаш корхонаси Германиянинг "Lufthansa Technik" компанияси билан ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

МДХда ЯГОНА

Бу ҳақдаги ҳужжатга шу йилнинг 6-12 май кунлари Берлин шаҳрида ўтказиладиган "ILA-2002" халқаро ҳаво-қоинот кўрғазмаси пайтида имзо чекилади.

— Мазкур кўрғазмада корхонамиз "Lufthansa Technik" компанияси билан бирга иштирок этади, — деди корхона директори Анатолий Миндир. — Биз унда дунёнинг етакчи авиакомпанияларига хизматимизни тақриф этиш имкониятига эга бўламиз.

Корхона 1998 йилдан бунён А-310, Boeing-757, Boeing-767 ва RJ-85 русумидаги самолётларни таъмирдан чиқариб келмоқда. Унга қадар фақат МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиб келинган эди. Корхона номи зикр этилган русумдаги самолётларга мураккаб техникавий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга. Шунинг қайд этиш керакки, "Uzbekistan Airways Technics" МДХ худудда Фарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларини таъмирловчи ягона корхона ҳисобланади. Келгусида корхона ўзига МДХ ва Осиё давлатларидаги авиакомпаниялар эътиборини кўпроқ жалб этиш ҳисобига миқдорлар сонини орттириш ниятида.

Бундан ташқари, Германиянинг қатор банклари билан 18,8 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратиш ҳақида келишиб олинган. Бу маблағлар ёрдамида 6,5 миллион долларлик янги асбоб-ускуналар келтирилиши кўзда тутилган.

Элмурод ЮНУСОВ, УЗА мухбири.

ЯНГИ НАШР ТАҚДИМОТИ

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида Абдулла Қодирий нондирга халқ мероси нарийидаги чоп этилган "Нодира-Комила" девонининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда адабиётшунос олимлар ва мумтоз шеърят ихлосмандлари иштирок этди.

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзига ҳос ўрин тутган маърифатпарвар шоира, давлат арбоби Моҳларойимдан катта адабий мерос қолган. Шу вақтгача шоирнинг асарлари, асосан, Нодира ва Макнуна тахаллуслари билан

конуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ижаранинг бу турини қўллаш бўйича келтирилган қиёдалар, шартнома тузиш ва уни бажаришда томонлар эга бўладиган ҳуқуқ ҳақида мажбуриятларга алоҳида ўрин берилган. Ушбу нашр Адлати вазирилик билан ҳамкорликда тайёрланди.

Баҳор ХИДИРОВА, УЗА мухбири.

КЎЗЛАРИНГДА КЎРМАЙИН НАМ

Кўзларингни яширма, жоним, Кипригингда ҳеч кўрмайин нам. Ғамгин юрсанг, кетаман ёниб, Зебо қоматингни буколмасин ғам.

Кўзларингни яширма жоним, Табассумингга яшнасин олам. Баҳор чечасидек нозик ихлолим, Кипригингда ҳеч кўрмайин нам.

ҚАЙТАДАН ТУГИЛДИМ

Туйғулар рангига термудим, Мени тарк этдику ҳаловат. Анчайин ҳориган руҳимда Туглади оловдек ҳарорат.

Субҳидам шабнамда ювиндим Мени шод этди бу таваллуд. Гулбахор ОРТИҚҲУЖАЕВА.

ЎХШАДИНГ

Бу боғлар ичинда қай гулга ўхшадинг, Ахтариб топмаган сўмбугла ўхшадинг. Овозинг авжидан, бўлар ҳар оҳанг, Лол қилиб, уларни, булбулга ўхшадинг.

Ғам ема, Бобошер, шикинг йўлда қолмас, Ёнида бўлсанг ҳам, сен гулга ўхшадинг. Бобошер БОТИРОВ.

ДАРЁЛАРДА ОҚАЙИН

Зайнаб бўлсанг, Қумушга Заҳри қотил ичирсин. Қумуш бўлсанг, севганинг Отабекни кечирсин. Зухром бўлсанг, порлагин, Ҳар сахарда боқайин. Тоҳиржонинг ўзим бўлиб, Дарёларда оқайин.

Тойирхон МАНСУРОВ.

Мутахассис оғоҳлантиради

ҚЎЗИҚОРИН МАЗАЛИ, АММО...

Вилоятимизда охириги вақтларда ёнгирчилик кўп бўлиши ва офтобли кунлар билан алманиб туриши туфайли ёввойи қўзиқоринларнинг кўпчилик қишги учун қулай шароитлар вужудга келмоқда. Улар тоғлар, дала ҳовлилар, хиббонлар, ариқ ва сойлар бўйлариди, шунингдек, ҳў қуйлиқларида униб чиқади.

Ёввойи бу неъматларни билмасдан истеъмол қилиш, консервалар ва ҳар хил таомлар тайёрлаш ҳаёт учун ўта хавфли эканлигини эсдан чиқармаслик, айниқса, болаларни оғоҳлантириш лозим. Вилоятимизнинг айрим шаҳар ва туманларида, жумладан, Оқўрғон, Бўстонлик, Бўка, Қуйчирик, Юқори-чирчиқ, Уртачирчиқ ва Паркент туманларида қўзиқоринлар кўпчилик учрайдилар, уларнинг аксарияти заҳарли хисобланади. Айрим заҳарли қўзиқоринларга жуда ўхшаш бўлади. Уни фақат мутахассисларга аниқлашлари мумкин. Истеъмолга бўлмаган таомлар, тузламалар ва консервалар маҳсулотларини сотиб олмаслик керак. Ҳамма жойда, айниқса, халқ таълими муассасалари ўқувчилари орасида заҳарли қўзиқоринларни термаслик ва уларни истеъмол қилмаслик ҳақида тушунириш ишлари олиб бориш даркор. Заҳарли ҳолатларида фақатгина шифохона шароитида, малакали мутахассислар ёрдамида даволанишигизни маслаҳат берамиз. Б. РИСКИБ, Тошкент вилояти бош санитария врачининг ўринбосари.



ЯССАВИЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ

Ёзувчи Саъдулла Сиев «Яссавийнинг сўнги сафари» романининг иккинчи китобини ёзиб тугатди. Роман буюк мутафаккир шоир, авлиёлар сарвари Ҳожа Аҳмад Яссавийга бағишланган. Диққатингизга ана шу янги асарнинг бир бобини ҳавола этамиз.

«БАЙЪАТИНГ КАЪБУЛ БЎЛДИ»

Бадоларнинг энг шиддатлиси аввало пайғамбарларга, ундан кейин авлиёларга келади. Хадис. Самарқанддан узоклашган сари Кутбиддиннинг шавқи зиёда бўлиб борарди. Ахир нечук суюнмасин? Аввало, отасининг таъкидидан халос бўлди, қолаверса, қибладан гир-гир шамол эсиб, эҳром киядиган кунларнинг ёвуқлигидан дарак бераёпти. Кутбиддиннинг кўнглидаги заъқ дарёсини тоштирадиган тагин бир нарса — бу унинг ажабтовор хунарманд бўлиб қолганлиги эди. Қўлига искана олиб, оғоч йўна бошлаганига уч-тўрт ой бўлди, холос. Ясаган буюмлари пир назарига тушди, ҳазратдан рағбат ва дуо олди. Илгари Кутбиддин юмшоқроқ оғочлардан жайдари чўмичу қошиқ ясаб юрар эди. Бора-бора у заранг, ёнғоқ каби қаттиқ оғочлардан ҳам буюм йўнишга ўтди. Қуръони мажид учун бежирим лавҳалар тахлайди. Заранг коса ўяди, хатчўп ясайди, гулмих тайёрлайди. Матоҳлари бозоргир, харидорлар уни таъажубга солиб, буюмларини ерга қўйдирмай сотиб оладилар. Султон Санжар Султон Маҳмудхоннинг ўғли. Узининг жияни Кутбиддинни ёқтириб қолди. Унга асл Дамашқ пўлатидан қилинган бир халта асбоб-ускуна ҳадя этди. Бу асбоб билан Кутбиддин энди йўничилик эмас, темирчилик қилса ҳам бўларди. Кутбиддин кундалик зикр, тоат-ибодат, хонақо ишларидан озод пайтларида пири мурид ҳузурига қиради. Устуду шогирд бир тўп кесма оғочларни олдиларга тўкиб, уларни буюм шаққига келтира бошлайдилар.

Бугун чоршанба. Марвада истироҳат қилиб турганларига ўн тўрт кун бўлди. Шу икки ҳафта ичида Кутбиддин бир халта қошиқ йўнди. Уларни яқшанба кўни бозорга олиб чиқмоқчи эди. Қошиқ халтани очиб пирига кўрсатди: — Ҳазратим, дуо қилсалар, бозоршабга элтиш ниятимиз бор эди. Шайх ҳафсала билан йўнилган қошиқларни қўлига олиб бир-бир томоша қилди. — Боракалло! — деди шогирдини алкаб. Сўнг маслаҳат берди, — қошиқнинг соғина калта киркманг, калта қошиқ таомга ботиб хўранданнинг қўлини булғайди. Қипиғи чиқадиргон оғочдин қошиқ ясамав. Бизнинг Бобоқулга ўшаганлар жазавани пайти қошиқни қаттиқ тишласа ўсал бўлмасин. Кутбиддин «Уқдим, пирим!» деб таъзим қилди. — Халтада қанча бўлибди? — сўради пир. — Ҳозирча йигирмата. Яқшанбага тагин ўн та ясамоқни ният қилдик, пирим. — Дурсат. Бу сафар бозорга атаганингизни хонақоҳга эҳсон қилинг, ўғлим. Тунов кўни қарасак, икки дарвеш бир қошиқдан оби ёвгон ичмакда экан. Савобга дохил бўлишни ўйлаб Кутбиддиннинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Шу пайт Жоме масжиди тарафдан азон товуши келди. Шайх мойқоғоз ёпиштирилган деразага хушламай қараб қўйди. Пешинга ҳали узок эди. Бевақт азон айтилди димақ, бир фалокат рўй берган. — Бозоршабга боринг, ўғлим, — деди ҳазрат, — халойиқдин сўранг-чи, шаҳарга не бало ёпишди экан? Кутбиддин буюмларини апил-тапил йиғиштириб, илдам чиқиб кетди.

(Давоми бор).

Бўш вақтларингизда КРОССВОРД

A crossword puzzle grid with numbers 1 through 30 indicating starting points for words.

Бўйига: 1. Барчанинг сеvimли рўзно-маси. 2. Қимматли қоғоз. 3. Тоҳир Малик асари. 4. Жанубда ўсадиган мевали дарахт. 5. Мўйнаси учун овладидиган сув ҳайвони. 12. Спорт тури. 15. Кайсар. 18. Тошкент вилоятидаги туман. 19. Пойтахт. 22. Фирдавсий асари. 23. Мусулмон олами байрами. 25. Диний қобуснома. Энига: 1. Оқар сув. 4. Қуш. 7. Америкада яшаб ижод қилаётган Эрон хонандаси. 6. Опа, она. 8. Ерни текислаб берадиган қишлоқ ҳўжалик анжони. 9. Қишнинг зийнати. 10. Олтин олма, ... ол (мақол). 11. Пайғамбарлардан бирининг исми. 13. Транспорт тури. 14. Оила бошлиги. 16. Тайёргарлик, синов. 17. Эл. 19. Қурилиш ашёси. 20. Автомобилчилар шаҳри. 21. Тошкентнинг эски номи. 23. Инсон танасидаги белги. 24. Намлик. 26. Идиш-товок. 27. Қозоқ халқида бахшининг номланиши. 28. Инсон учун энг азиз неъмат. 29. Қандитер маҳсулоти. 30. Кун, вақт. Тузувчи Неъматилла ҚОСИМОВ.

ВИЛОЯТ КУБОГИ ФОЛИБНИ КУТМОҚДА


ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманларидаги ўйингоҳларда футбол мусомилари бошланди. Биринчи бўлиб виллоят кубоги мусобақаларига старт берилди. БИЛЛУР соврин учун баҳсларда саккизта жамоа иштирок этмоқда. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган жўфтликларда дастлабки ва такрорий учрашувлар бўлиб ўтиб, ярим финалчилар аниқланди. Оқўрғон туманининг «Ак-мал» жамоаси қуйчириклик «Шолиқор» футболчиларини икки учрашувда ҳам мағлуб этди (2:1, 1:0). «Олмалик» Бекободнинг «Цементчи» жамоасидан устун келди (0:0, 3:0). «Тошкент» «Оҳангарон» учрашуварларида йирик ҳисоблар қайд этилди. Ярим финал учрашуварлари бугун ўтказилади. Майдонга «Акмал» — «Қўрай» ҳамда «Тошкент» — «Олмалик» жамоаси ҳам бу йил виллоят чемпиони иштирокчилари сифатида йўқ. Уйлаймики, юқоридеги тилга олинган туманларнинг тегишли ташкилотлари ўз шавъналарига ярашмайдиган бу камчилиқни тўзатадилар бу миллионлар йўлини бўлган футболнинг кенг оммалашувиға муносиб ҳисса қўшадилар.

ИМКОНИАТ ЎРНИГА БАҲОНА

РЕСПУБЛИКА миллий чемпионатининг иккинчи табақаси мақомини олган виллоят футбол биринчилигининг бошланишиға ҳам санокли кунлар қолди. ДАСТЛАБКИ учрашувлар 12 май кўни ўтказилиши режалаштирилган. Лекин, афсуски, ушбу ўзига хос минтақавий чемпионатда нари борса, ўнтагина жамоа иштирок этадиган кўринади. Чунки, Бўстонлик ва Бўка тумани мутасаддилари ҳар йил ушбу чемпионатда ўз жамоалари иштирокини таъминлаш истагини билдирадидилар-у, аммо бу яқиният қуруқ вазъадан нариға ўтмайди. Мана, мусобақалар бошланишиға Бор-йўғи ўн кун қолган бўлсада, бу ма- сала ҳануз узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Бу-ку, майли-я, лекин Янгиўйўл шаҳри ва тумани, Паркент, Зангиота, Оҳангарон ва Чиноз туманлари виллоят чемпионатида ўз жамоалари билан қатнашиш ҳақида, ҳатто, ўйлаб ҳам кўрмаётганликларини ҳеч қандай баҳонаю сабаб билан изоҳлаб бўлмасе керак. Дарвоқе, Оҳангарон ва Уртачирчиқ туманлари хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Футбол иштиқозлари яқини билдирарки, Оҳангарон воҳасининг «Қорайтой» жамоаси бир пайт-

«МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ФОЛИБОНА ЮРИШИ

МАМЛАКАТ XI миллий чемпионати иштирокчилари навбатдаги еттинчи тур учрашуварини ўтказдилар. Тўрт ўйинда майдон эгалари галаба кучдилар. Уч ўйинда эса, моҳмонлар галабага эришдилар. Бир ўйин дурани натижа билан якунланди. Дарвозага жами 20та тўп киритилди.



ВИЛОЯТИМИЗ вакиллари ниҳоят юз фоизлик натижани қўлга киритдилар. Зарафшонда «Кизилқум» жамоасига қарши майдонга тушган бекободлик футболчилар сўнгги учрашуварларни кўтаринки рўйда ўтказиб, ўз мухлислари ишончини оқламақда. «Металлург» ҳужумчиси Фарҳод Мавлонов ва Константин Кузнецовлар ўз жамоалари ҳужумини самарали яқунлаб, майдон эгалари дарвозасига иккита тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Майдон эгалари эса, бир тўп билан жавоб қайтардилар. Бекободликлар етти учрашувадан сўнг ўн бир очко ўтлаган ҳолда жадвалда бешинчи ўринга кўтарилиб олдлар. Виллоятимизнинг олий табақадаги иккинчи вакили «Дўстлик» Муборақнинг

Table with columns: Жамоалар, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. It lists the performance of various football teams in the league.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Техбол-сервис» шўба қорхонаси ТУГАТИЛАДИ. Давлолар эълон қилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел: 42-48-75.

Advertisement for 'TOHKENT XAKIKATI' newspaper, including contact information for subscriptions and distribution points.